Published on *insonvaqonun.uz* (http://insonvaqonun.uz)



08.09.2018



# Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Баҳоловчи малака сертификатини олишга талабгор бўлган шахсга қуйидаги талаблар қўйилади:

- олий иқтисодий, юридик ёки техник маълумотга, баҳоловчи ёки баҳоловчининг ёрдамчиси лавозимида бир йил иш стажига эга бўлиш;
- қайта тайёрлаш курсини тугатганлиги тўғрисида сертификатга эга бўлиш.
- Малака имтиҳонинин топшириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
- имтиҳон топширишга рухсат бериш тўғрисидаги ариза;
- сўровнома;
- паспорт нусхаси;
- олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси
- 3,5 x 4,5 ҳажмдаги 2 дона фотосурат;
- қайта тайёрлаш курсларини тугатганлиги тўғрисидаги сертификат нусхаси;
- халқаро сертификатга эга бўлганлар учун халқаро сертификат нусхаси;
- 184 минг 300 сўм йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

Ариза тушган кундан бошлаб уч кунлик муддатда талабгорнинг имтиҳонга қўйилиши ёки қўйилмаслиги ҳақида қарор қабул қилинади.

Имтиҳон лойиҳани ҳимоя қилиш ва имтиҳон саволлари бўйича суҳбат ўтказишдан ташкил топади ва узлуксиз равишда видеоёзувга (овозли) туширилади.

Малака имтиҳони учун максимал балл 100 балл бўлиб, бунда 50 балл лойиҳа ҳимояси учун ва 50 балл саволларга жавоб учун берилади. 70 баллдан юқорини балл олганлар имтиҳонни муваффақиятли топширган ҳисобланади.

Малака сертификати **5 йиллик муддатга берилади** ва унинг амал қилиш муддати беш йиллик муддатга узайтирилиши мумкин.

Малака имтиҳонидан ўтмаганлар ўттиз календарь куни ичида ёзма апелляция бериш ҳуқуқига эга.

689 Чоп этиш [1] PDF [2]

## Сўнгги янгиликлар:

- Очиқ маълумотлар портали (data.gov.uz) вазифалари [3]
- Суд эшиклари халқ манфаатлари учун ҳамиша очиқ [4]
- Маиший ҳисоблагичларнинг даврий қиёсловдан ўтказиш муддатлари 4 йилдан 8 йилга узайтирилди [5]
- Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонга жўнаб кетди [6]
- Газетанинг 2019 йил 33 сони нашрдан чиқди [7]
- Ўзбекистонлик ҳарбий алпинистлар Эльбурсни, ҳарбий разведкачилар эса Тар чўлини забт этди (фото) [8]
- “Қурол тўғрисида”ги қонун олти ойдан кейин кучга киради [9]
- Разведкачилар “АрМИ – 2019” мусобақасида иккинчи ўринни эгаллашди [10]
- Адлия вазири: Жамоатчилик кенгашлари учун янги даври бошланди [11]
- Мудофаа вазирлигида ҳарбий мобил инновацион тиббий марказ яратилди [12]

---

**Source URL:** http://insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/4118

**Ссылки**
[1] http://insonvaqonun.uz/print/4118
[2] http://insonvaqonun.uz/printpdf/4118
[3] http://insonvaqonun.uz/node/4992
[4] http://insonvaqonun.uz/node/4991
[5] http://insonvaqonun.uz/node/4990
[6] http://insonvaqonun.uz/node/4989
[7] http://insonvaqonun.uz/node/4987
[8] http://insonvaqonun.uz/node/4981
[9] http://insonvaqonun.uz/node/4980
[10] http://insonvaqonun.uz/node/4977
[11] http://insonvaqonun.uz/node/4976
[12] http://insonvaqonun.uz/node/4973